

Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аънавий янги йил олди савдо ярмаркаси очилди.

Маълумки, Янги йил байрами арафасида бозорларда турли мева-сабзавот маҳсулотларига талаб сезиларли даражада ортади. Шу боис Вазирлар Маҳкамаси юртимиз шаҳарлари аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларида ва пойтахтимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг савдо ярмаркасини ўтказиш бўйича фармойиш қабул қилди.

Жойларда мазкур фармойишни бажариш юзасидан изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги деҳқон бозорларидан ярмарка иштирокчиларини етарли жой билан таъминлади, уларга савдо расталари, тош-тарози ва бошқа зарур анжомлар ажратиб берди. Айтиш жоизки, ярмарка пойтахтнинг барча бозорлари ва аҳоли гавжум жойларида ташкил этилган бўлиб, улардаги маҳсулотлар хилма-хиллиги, сифати ва нисбатан арзонлиги билан ҳамшаҳарларимизга манзур бўлмоқда. Ярмаркада, шунингдек, «Ўзметсабзавотузмасанот-хольдинг» компаниясининг консерва маҳсулотларига ҳам кенг ўрин берилган.

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасидан маълум қилишларича, вилоятлардан қарийб 4 минг тонна мева, сабзавот, поллиз ва бошқа маҳсулотлар пешма-пеш савдо ярмаркасига етказиб берилди.

Ярмарка янги йилгача давом этади.

(ЎЗА).

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 22 декабр, шанба № 200 (1213)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг 20 декабр куни Қашқадарё вилоятига сафари чоғида хорижлик журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилиб, унда бошқа масалалар қаторида Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосига ва уни ҳал этишнинг истиқболларига муносабати баён этилди.

Ўзбекистон Афғонистонда барқарорлик ўрнатиш масалаларига бағишлаб БМТ раҳнамолигида ўтказилган Бонн конференцияси натижаларини маъқуллади ва Ҳамид Карзай бошчилигидаги муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлайди. Эришилган келишувлар мамлакатдаги турли гуруҳларни ўзаро муроСага келтириш йўлидаги илк қадам ҳамда Афғонистонда давлат тузилишининг конституциявий асосларини яратиш борасидаги жиддий силжиш бўлди.

Мавжуд шароитда, 20 йилдан ортқ давом этган уруш, тартибсизлик, шубҳа ва ишончсизлик муҳитидан чиқиш борасида энди иш бошлаган Афғонистоннинг ўзига хос хусусиятлари инobatга олинса, мамлакатдаги барча кучлар ҳам Бонн конференцияси натижаларидан қониқишини умид қилиш қийин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Бонн конференцияси натижаларини муҳим сиёсий келишув, деб баҳолагани ҳолда, айрим минтақавий, этник ва диний гуруҳлар вакилларининг Афғонистонни сиёсий жиҳатдан ва давлатчилик нуқтаи назаридан қайта тузиш борасидаги изоҳ ва шарҳларини табиий ҳол ҳисоблайди.

Айни пайтда мавжуд шароитда Афғонистонда самарали ички сиёсий мулоқотларни йўлга қўйиш гоят муҳим, деб ҳисобланмоқда. Бу мулоқотлар умуммиллий тотувликка эришиш жараёнига салбий таъсир кўрсатадиган мавжуд келишмовчилик ва зиддиятларнинг кескинлашувига йўл қўймаслиги керак.

Ўзбекистон томони шунга қатъий аминки, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган қонуний ва кенг асосдаги ҳукуматни шакллантиришга умумий ёндашувни таъминлаш учун қуйидаги ўта муҳим уч шартни инobatга олиш керак:

Биринчи. Афғонистонда узок йиллик уруш давомида йиғилиб қолган катта миқдордаги қурол-яроғни камайтириш. Янги ички ҳарбий-сиёсий келишмовчиликлар юзага келишининг ҳамда Афғонистондан халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун демилитаризация қилинган бетараф мамлакатни шакллантириш.

Иккинчи. Ўзбекистон тан олинган ўз чегаралари доирасидаги ягона ва бўлинмас Афғонистон тарафдоридир. Шу билан бирга, тарихан шаклланган минтақавий ва этник хусусиятларини ҳисобга олиб, Афғонистоннинг давлат тузилиши асосига федерация шакли қўйилишини мақсадга мувофиқ, деб билади.

Учинчи. Афғонистонни тиклаш бўйича донор давлатлар кенгаши томонидан бошқариладиган ягона халқаро жамғарма тузиш. Бу жамғармадан ажратилган маблағлар Афғонистондаги ички кучларни мамлакатда тинчлик ва барқарорликка эришиш, уни гуллаб-яшлатиш йўлидаги самарали саъй-ҳаракатларга рағбатлантиримоғи лозим. Бу мोजародан сўнг ижтимоий-иқтисодий тикланишнинг муҳим омилдир.

Ақинда, шу йилнинг 18 декабрида Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов БМТ Бош қотиби Кофи Аннанга Мурожаатнома йўллаб, унда Афғонистонда юзага келган вазият ва шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда, ҳозирда тўпналма қолган катта миқдордаги қурол-яроғни йиғиб олиш ва камайтиришга оид масалаларни ечиш заруратини баён қилган эди.

Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов бошқарган мазкур мажлисда халқимизнинг энг сеvimли ва қадимий байрамига тайёргарлик кўриш ҳамда Наврўз тантаналари сценарийсини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида гап борди. Булажак байрамда ўтган йиллардаги тажрибадан

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

кенг фойдаланган ҳолда миллий қадриятлар, урф-одатларимизни тараннум этувчи лавҳаларга кенг-роқ ўрин берилиши, қарияларимизни улуғловчи, баркамол ва соғлом авлодни мадҳ этувчи юксак бадиий дастурлар яратиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мажлисида байрам сценарийсини яратиш бўйича шоирлар ва бас-такорлардан иборат ижодий ишчи гуруҳи тузилди. Унга Маданият ишлари вазирлиги томони-

дан эълон қилинадиган танлов натижасини ҳисобга олган ҳолда энг мақбул байрам сценарийсини шакллантириш вазифаси юклатилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, вазирлик ва идоралар раҳбарларига жойларда байрамга пухта тайёргарлик кўриш юзасидан кўрсатма ва топшириқлар берилди.

(ЎЗА).



Шўрчи дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти ишчиларининг 360 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Улар учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Шу боис ҳам бажарилаётган ишлар сифатли. Ишловчилар ҳар чоракда мукофот билан тақдирланмоқда.

Суратларда: қизгин иш жараёни. И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Саховат

НОГИРОН БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Берлинда «Даймлер крайслер» компанияси ва БМТнинг Берлиндаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган «Дунё микёсидаги масъулия» мавзuida халқаро анжуман бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари - АКШ, Буюк Британия, Франция, Венгрия, Руминия, Озарбайжон, Туркия каби давлатларнинг жамоатчилик ташкилотлари билан бир қаторда Ўзбекистондаги «Стратегия - тараккиёт, гендер, барқарорлик» нодавлат ношароит ташкилоти вакиллари ҳам иштирок этди. ЎЗА муҳбири ушбу ташкилот директори, Жаҳон иқтисодий ва дипломатияси университети профессори Динара Азимовадан анжуман ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

Биз мазкур анжуманда «Глобаллаштириш - бу ногирон болалар учун катта имконият» номли лойиҳамизни намоийш этдик. Ташкилотимиз ношароит хайрия ташкилоти бўлиб, тўрт йил илгари ташкил этилган. Унинг асосий мақсади аҳолининг ночор, химояланмаган гуруҳига ёрдам беришга қаратилган. Ташкилот фаолияти бу борада ногиронларга фақат хайрия ёрдамини кўрсатишдангина иборат

(Давоми 2-бетда).

Матбуот сўзининг таъсирчан кучи

АДОЛАТ ЎРНАТИЛДИ

«Ишонч»нинг шу йил 17 октябрь сонида «Раиснинг қайфияти қалай?» сарлавхали мақола босилган бўлиб, унда Навбахор туманидаги «Навбахор» ширкат хўжалиги пудратчиси Сожида Жумаева ўтган йил якуни бўйича кўйидаги жавоб хати олинди:

«Газетада келтирилган далиллар ўз тасдиғини топди. Буни мақола муҳокама-сига бағишланган йиғилишда иштирок этган туман ҳокимлиги ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси масъул вакиллари ҳам эътироф этишди. Ширкат хўжалигининг собиқ пудратчиси С.Жумаева ва фарзанди Ш.Мустафоёвнинг 32843 сўмлик иш ҳақлари Адлия бошқармаси аралашуви билан тўлиқ ундириб берилди.

«Навбахор» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Сайфулло Туроев юқорида номлари зикр этилган фуқароларга ўз вақтида меҳнат ҳақларини тўламагани учун расман оғохлантирилди. Хўжалик айрим аъзоларининг машоаратини белгиланган муддатда берилишини таъминламаганликлари учун хўжалик бош хисобчиси К.Пирназаров ва касаб уюшма кўмитаси раиси А.Хўжаевларга нисбатан тегишли чора кўрилди.

Жамоа аъзоларига ўз вақтида иш ҳақларини бериб бериш масаласини туман ҳокимлиги ўз назоратига олди.

М.КУВОНДИКОВ, Навбахор тумани ҳокими биринчи ўринбосари.

Абдуманнопов Азимов, «Ишонч» муҳбири.

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

АКСЕЛСнинг Тошкентдаги ваколатхонасида инглиз тилини фаол ўргатувчи ташкилот ва ўқитувчиларни мукофотлаш дастури бўйича 2001 йилда голиб чиққан умумий, ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда мутахассисларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу дастурни амалга оширишдан кўзланган мақсад инглиз тили ўқитувчиларининг касбий малакасини ошириш, янги педагогик технологияларни амалиётга жорий этишга кўмаклашишдан иборат.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ҳуломов тадбирда сўзга чиқиб, мамлакатимизда таълим соҳасида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ривожланган хорижий давлатларда катта қизиқиш уйғотаётганини қайд этди. Хусусан, АКШнинг Таълим ва тил ўрганиш бўйича ҳамкорлик ташкилоти - АКСЕЛС Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда талай дастурларни муваффақиятли амалга оширмоқда.

Дастур иштирокчилари ўзининг педагогик маҳорати, ўқитиш жараёнида янгиликларни қўллай олиш қобилияти билан боғлиқ мезонлар асосида сараланади. Бунда мактабларни ўқув-услубий дарсликлар, техникавий воситалар билан таъминлаш, шунингдек, муаллимларга АКШда малака ошириш имкониятлари кўзда тутилади.

Тадбирда голиб ўқитувчилар, шунингдек, таълим жараёнини тақомиллаштиришда фаол иштирок этаётган бир қатор мактаб, лицей ва гимназияларга компютер, ўқув-техника воситалари ва дарсликлар тўхфа этилди.

(ЎЗА).

Ўз ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик ва уни ҳимоя қила олайлик

«Маъмурият буйруғини бажармаганлиги учун электр-монтёр М.Кубаевага оғохлантириш, телефончи С.Худойбердиевага охириги оғохлантириш, телеграмма тарқатувчи Т.Кўшоқовага эса охириги хайфсан берилсин.

Директор: А.ЖОНОДИЛОВ».

Юқоридаги сатрлар «Жиззах телеком» шўба ишлаб чиқариш корхонаси Фориш туман филиали директорининг шу йил 22 ноябрдаги 163-сонли буйруғидан олинди.

Биз корхона раҳбарининг амалдаги меҳнат қонунчилигига зид бундай буйруғини бекорга мисол қилиб келтирмадик. Чунки, унинг қонунга асосланмай чиқарган буйруқлари оддий меҳнат кишисини сарсон-сарғардон қилмоқда.

Корхона раҳбарининг қонун талабларини бажаришда масъулиятсизликка йўл қўяётганини ана шундай ёзишмалар кўпаяётганлигидан ҳам билиб олиш мумкин.

Т.Кўшоқова «Жиззах телеком» шўба корхонаси Фориш туман филиалида катта

ҚОНУНИ БИЛМАСЛИК...

ПАНД БЕРДИ

телеграфчи вазифасида ишлаб келарди. Корхона бош директорининг ўтган йил 22 июндаги 395-05 рақамли хатига асосланган Фориш туман филиали раҳбари А.Жонодилов 5 июл куни 71-сонли буйруғи билан катта телеграфчи штат бирлигини қисқартириб, Т.Кўшоқовани телеграмма тарқатувчи ва абонент тўлови йиғувчиси этиб тайинлади.

Орадан йигирма кун ўтгач, мазкур буйруқнинг банди бекор қилиниб, ишловчи зиммасида фақат «телеграмма тарқатувчи» вазифаси қолдирилди. Раҳбарнинг бу гайриқонуний ҳаракати

август куни маъмуриятнинг штат бирлиги қисқартирилиши ҳақидаги оғохлантириш хатини унинг қўлига тутти хатига асосланган Фориш туман филиали раҳбари А.Жонодилов 5 июл куни 71-сонли буйруғи билан катта телеграфчи штат бирлигини қисқартириб, Т.Кўшоқовани телеграмма тарқатувчи ва абонент тўлови йиғувчиси этиб тайинлади.

Филиал касаб уюшма кўмитаси ўзининг 16 августдаги розилик хатини берган, орадан элик кун ўтиб, раҳбарнинг катта телеграфчи Т.Кўшоқовани лавозимидан озод этиш ҳақидаги буйруғи чиқарилди. Бироқ унда Меҳнат кодексининг бирон-та банди асос қилиб кўрсатилмаганди.

Меҳнат Кодексининг 101-моддасига асосан иш берувчи касаб уюшма кўмитасининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилиги

тўғрисидаги қарорини олгач, бир ойлик муддатдан кечикмасдан буйруқ чиқариши лозим эди. Буйруқда ходимнинг моддий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш сингари қонун талаблари ҳам четлаб ўтилдики, булар ходим ҳақ-ҳуқуқининг камситилишига сабаб бўлди.

Жиззах вилоят касаб уюшмалари Кенгаши аралашгандан сўнггина, филиал раҳбари А.Жонодилов ўз хатосини тан олишга, жабрланувчини эса ўз лавозимига қайта тиклаб, мажбурий бекор юрган кунлари учун 25000 сўм тўлашга мажбур бўлди.

Орадан уч кун ўтгач, Т.Кўшоқова билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат шартномаси буйруқ орқали бекор қилинди.

Шундан сўнг у ўз ҳақ-ҳуқуқини тиклаб беришларини сўраб, судга мурожаат этди. Жиззах шаҳар ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг ҳал қилув қарорига кўра корхона раҳбарининг 9 мартдаги 31-сонли буйруғи билан ўз ишига тиклангани эътиборга олиниб, унга мажбурий бекор юрган кунлари учун 18764 сўм пул шўба корхонасининг Фориш филиалидан ундириб берилди.

Кези келганда шуни айтмоқчимизки, иш берувчининг амалдаги меҳнат қонунларини яхши билмаслиги, унга қатъий риоя қилмаслиги умумий ишмизда панд бериши мумкин.

Муаммо, изланиш, ечим

Туманда муайян иш ўрнига эга бўлганлар кўпчиликини ташкил қилади. Аммо бирор-бир касби-кор этагини тутиш илминда юрганлар ҳам йўқ эмас. Мухими, бундайлар ўз холига ташлаб қўйилмаган. Тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва хусусий корхоналар фаолиятини изга солиш эвазига бу борадаги мувозанат сақлаб қолинмоқда.

ИНТИЛИШЛАР ЗОЁ КЕТМАДИ:

МИРЗАОБОД ТУМАНИДА 463 ТА ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ

— Ҳарбий хизматдан сўнг бекорчи бўлиб қолдим, — дейди Наврўз кўрғонда яшовчи фуқаро Шокир Ҳасанов. — Аммо, у узок давом этмади. Тадбиркор Хусния Хўжаева «Дилдора» хусусий корхонасини очди. Маиший хизмат йўналишидаги бу корхонада сартарошлик касбини эгалладим. Тадбиркорлар кўмагида ўз ишимни йўлга қўйдим. Эндиликда ўнга яқин ҳамқишлоқларим бу ерда фаолият юритаётди.

Фуқароларни иш билан таъминлашда меҳнат бўлими ва маҳалла кўмиталари ҳамкорлиги қўйилган натижага берапти. Қишлоқлардаги бекорчи ўсирилари фойдали ижтимоий меҳнатга жалб этиш, уларни иш ўрни билан таъминлаш имкони яратилмоқда. Утган ўн ойда 194 нафар ишсиз маҳалла кўмиталари тавсияси билан ишга жойлаштирилди. 1600 нафардан зиёд иш ахтарувчи эса ўз истакларига биноан фермер хўжалиқлари аъзоларига айланди.

— Етти нафар ўғлим бор. Уларнинг тўрт нафари ишсиз эди, — дейди фермер Раимқул Султонов. — Оила аъзоларимиз билан келишиб тадбиркорликка қўл урдик. Тўрт ўғил, тўрт келиним иш билан таъминланди. Улар 30 бошдан ортиқ қорамол парваришлаб, ҳамқишлоқлари дастурхонига сут ва гўшт маҳсулотлари етказиб беришяпти. Хўжалигимиз аъзоларининг ўртача бир ойлик даромади эллик минг сўмдан ошяпти.

Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазалаш бўлимига ўтган муддатда 334 нафар киши иш сўраб мурожаат қилган. Уларнинг қарийб 200 нафарга яқини ўзига мос ўринлар билан таъминланди. 210 нафарига ишсизлик мақоми берилиб, нафақа тайинланган. Ёши бир жойга борганда иш ахтариб юрганлар ҳам учраб турибди. Бўлим томонидан бундайларнинг шарт-шароити, оилавий аҳоли, саломатлиги пухта ўрганилмоқда.

Пенсия эшига яқин қолган 2 нафар ишсиз меҳнатга яроқсизлиги аниқлиниб, муддатидан олдин пенсияга чиқарилди. 46 нафар фуқаро хоҳишига қараб бошқа касб-корга ўқитилди. 33 нафари эса қайта ўқитилиб, янги ҳунар эгаси бўлди. 103 нафар киши эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. Бўлим томонидан бандликни таъминлашга 2 миллион 250 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Ишсизлар, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофазалаш маҳалла кўмиталари билан баҳамжihat бўлиб боришмоқда. Тумандаги 14 та маҳалла кўмитасига кам таъминланган 630 фуқародан ариза тушган. Шундан 592 нафарига ҳақ тўланапти. Халқ банки шоҳобчалари орқали уларга 7296,5 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Кўп болали 3446 нафар хонадонга 8466,2 сўм миқдорда нафақа тўланмоқда. Кексалар, ногиронлар ва яққа-ёлғиз қарияларга ҳомилийк мадади уюштирилмоқда.

— Биз ижтимоий муҳофазалаш, иш билан таъминлашнинг турли усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилаёلمиз, — дейди туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазалаш бўлими бошлиғи Акмал Абдухалиқов. — Ишсизларга энг манзури меҳнат бозори бўляпти. Турли ташкилот ва корхоналар иштирок этган ярмаркада 100 нафардан зиёд киши ўзлари истаган иш ўринларига эга бўлди. Шунингдек, тадбиркорлар, кичик ва хусусий корхоналар соҳиблари ҳам бўлим орқали танлов асосида ишга қабул қилинапти. Бу эса барча субъектлардаги бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш имконини берапти.

Энг муҳими, Мирзаободдаги изланиш, муаммолар олдини олишдаги яқдиллик ишсизликка чек қўйиш имконини бермоқда.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига

Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйига атаб эсдалик совғалар тайёрланмоқда. «2500» рақами туширилган турли ўқув қуроллари, ён дафтарлар, кўна обидалар сурати акс эттирилган таквимлар, буклет, кўкрак нишонлари, қўл ва чўнтак соатлар, чинни буюмлар, «Термиз» деб номланган китоб-альбом, илмий-оммабоп нашрлар ва фильмлар, махсус спорт кийим-кечалари нафислиги, жи-зибадорлиги билан киши диққатини тортади.

ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Хумо куши сурати акс эттирилган қадимий идиш, Сополлтепадан топишган бронза даври тақинчоқлари, Қоратеп ва Фаёзтепа остидан қазиб топишган буддавийлар илоҳи Бодиставнинг ҳайкаллари ва бошқа ёдгорликлар сурати кишини бефарқ қолдирмади. Шунингдек, узок ўтмишдан сўзловчи тасвирий санъат асарлари ва меъморлик обидалари, замонавий Термизнинг бугунги кўринишини кўз-кўз қилувчи суратлар тўплами ҳам тўйга муносиб тўёна бўлмоқда.

(ЎЗА).



Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА

ИМТИЁЗ

Киш мавсуми бошланиши билан коммунал хизмати ходимларининг юмушлари бир мунча ортади. Иситиш ускуналарининг бир маромда ишлаши, кўп қаватли биноларнинг таъмирлиниши ўз вақтида бажариш электр энергия билан узлуксиз таъминлаш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Қишга тайёргарлик билан боғлиқ қатор тадбирлар пухта тузилганлиги боис ишда маълум ижобий силжишларга эришилапти. Жумладан, Муборак шаҳридаги уй-жойлардан фойдаланиш «Кўп тармоқли» очик акционерлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳам мавсумни кўнгилдагидек ўтказишга ҳаракат қилаяптилар.

Мазкур жамоа асосан Муборак нефт-газ уйлари бошқармаси унитар корхонаси тасарруфидаги биноларга хизмат қилади. Шаҳардаги

93 та кўп қаватли уй, 4476 та хонадон ва 3 та сув ҳавзаси марказий қозонхона орқали иситилади. Вазирилар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан ҳамма жойда бўлгани каби бу ерда ҳам кичик ширкатлар ташкил этилди. Жумладан, ҳозирда фаолият кўрсатаётган «Аланга» ширкати 30 та кўп қаватли бинога коммунал хизмати кўрсатапти.

Бундан ташқари, жамоа шаҳарни ободонлаштириш ва кўкчаларни яратишда ҳам кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Режа асосида иш олиб

борилаётганлиги муваффақиятлар омили бўляпти.

Корхонада 545 нафар киши меҳнат қилаётган бўлса, уларни ижтимоий муҳофазалаш ҳам жиддий эътибор берилаяпти. Чунончи меҳнат ҳақлари ўз вақтида тўланапти. Ишчи-хизматчилар соғлигини мустаҳкамлаш масаласи кун тартибидан тушмапти. Бу эса ишлаб чиқаришда мўлжалдаги самарани берапти.

— Макссадимиз — аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини оширишдир. Сув, газ, электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш учун ҳисоблагичлар ўрнатдик, — дейди корхона раҳбари муовини Бобоқул Оғдаров.

Корхона жамоаси хайрли тадбирлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Яқинда бўлиб ўтган Ногиронлар кўни муносабати билан шанбалик ўтказилиб,

ундан тушган 60 минг сўмлик маблағ туман Ногиронлар жамияти фондига ўтказилди.

Шаҳардаги «Орзу», «Бойчечак» болалар боғчалари корхона оталигидан. Бундан ташқари кам таъминланган оилаларга ҳам имкон қадар ёрдам кўрсатиляпти.

Утган йили 25 миллион 436 минг сўм даромад олган корхона жамоаси жорий йилда ушбу кўрсаткични бундан-да ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

А. АЛЛАМУРОВОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: (чапдан) Марказий қозонхона иситиш бўлими операторлари Тўра Бекмуродов, Маҳмуд Ражабов, корхона раҳбари муовини Бобоқул Оғдаров, Раҳматилла Йўлдошев.

Бозор сабоқлари

Яқинда бўлиб ўтган республика қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш натижаларига бағишланган анжуманда «Ўзметасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг ютуқлари алоҳида

МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

таъкидланган эди. Йилдан йилга унинг қарамоғидаги хўжалиқларнинг тармоқ бўлими 120 минг тонна сабзавот, кўп миқдорда мева ва узум етиштирмоқда. 134 турдаги консерва, 144 турдаги шарбатлар ва турли винолар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхоналарни реконструкция қилиш, замонавий илгор технологияларни жорий этиш, тармоққа хорижий инвестицияларни жалб этиш муваффақият гарови бўлди.

«Ўзметасабзавотузумсаноат-холдинг» Швейцариянинг «Тетра-пак», Австриянинг «ПКП» фирмалари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Улар шарбатларни қадоклаш бўйича замонавий ускуналарни ўрнатишга ёрдам берди. Шахрсабз консерва заводи ҳам бундай ютуқ билан фахрланган арзийди.

Италиялик ҳамкорлар эса Фазалкент ва Намангандаги ишлаб чиқариш корхоналарини қайта жиҳозлашга ёрдам берди. Бугунги кунда уларнинг маҳсулоти энг юқори халқаро андозалар талабларига жавоб беради.

(ЎЗА).

Бухоро вилоят Қурилиш ва қурилиш ашёлари санвати ходимлари касаба уюшма кенгаши ва жойлардаги бошлангич ташкилотларда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқий муҳофаза қилишда анча ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Қабул қилинган жамоа шартномаларининг бўлими ва бандларининг бажарилиши эса касаба уюшмалари томонидан доимий назоратга олинган.

Вилоят тармоқ корхона ва ташкилотларда ўртача иш ҳақи ўтган йил шу даврига нисбатан икки баробарга ўсди ва айни пайтда 30,5 минг сўмни ташкил этади. Энг кам иш ҳақи миқдори республикада белгиланганидан 2-2,5 баробар юқоридир. «Бухороқурилиш» акциядорлик жамиятида (иш берувчи Н.Ортиқов, каса-

ҲАР БИР ИШЛОВЧИГА 79 минг сўм сарфланди

бақўм раиси А.Ҳасанов) эса энг кам иш ҳақи 39800 сўмни ташкил этади. Иш ҳақи бўйича қарздорлик шу йилнинг январ ойига нисбатан 2,5 баробарга камайди. «Бухоро-ДОЗ» (Ш.Норов, Ҳ.Остонов), «Бухорогипс» (А.Козимов, Г.Ашурова) акционерлик жамиятларидаги меҳнаткашлар иш ҳақини ўз вақтида олишдан ташқари, соф фойда ҳисоби билан ўзларига тегишли

дивидентларни ҳам олиб туришибди.

Касаба уюшмаларининг ташаббуси билан кўп болали, ногирон, боқувчисини йўқотган оилаларга қонун ва

Меҳнат муҳофазаси

ҳимоялаш, уларнинг маълумотларини оширишда ҳам фаол саъй-ҳаракат олиб

меҳнат кодекси ва тармоққа тааллуқли бўлган меъёрий ҳужжатларни ўрганиш бўйича мутахассисларнинг мунтазам чиқиши ташкил этилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш тадбирларига тармоқнинг ҳар бир ишчисига сарфланган маблағ шу йилнинг 9 ойида 79 минг сўмни ташкил этди.

Ёдгор САБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари санвати ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг Бухоро вилояти бўйича касаба ташкилотчиси.

КИМОШДИ САВДОСИ

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида хусусийлаштириш барча тармоқларни ривожлантиришнинг асосий омилли ҳисобланади.

Республика кўчмас мулк биржасининг Қашқадарё вилоят филиалида «Қаршиларранда» очик турдаги хиссадорлик жамияти кимовиди савдосига қўйилди.

Иқтисодий инкирозга тушиб қолган маъмуриятнинг вилоят ҳўжалик суди банкрот деб эълон қилган эди. Уни «Вилонзор» савдо компанияси 66,2 миллион сўмга сотиб олди. Мулкнинг янги эгаси фабрикада ишни янгинач ташкил этишни ўзи тузган бизнес-режа асосида амалга оширишга киришибди.

Тошкентдаги «СОРБТЕХ» ёпиқ турдаги акционерлик жамияти сорбентлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Бугунги кунда 10 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Улар сув-тузлий эритмалардан металлари ажратиш, ифлосланган ҳавони, турли газларни тозалаш ҳамда ичимлик ва оқава сувларни тегишли санитария меъёриларига етказишда ишлатилади.

АЙЛАНМА салмоғи ортмоқда

Ҳозирги кунда «СОРБТЕХ» мутахассисларининг технологик ишланмалари уй-рўзғорда ишлатилмоқда, улардан экологик шифокорлар, гидрометаллургия фойдаланмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган сорбентларга талаб катта. Истеъмолчилар орасида «Тоштекстилмаш», Наманган машинасозлик корхонаси, хорижда эса Краснодар ўлкасидаги «Славянский» механика заводи» акционерлик жамияти бор. Корхонанинг айланмаси ўнлаб миллион сўмни ташкил этади. Бу маблағлар ҳисобига корхона янгиланмоқда, маҳсулот турларини кўпайтиришга, хусусан, дори-дармонлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқда.

Н.ҒУЛОМОВА,
ЎЗА мухбири

ТИПРАТИКАННИ ТЕСКАРИ

Ҳисобчилар хонасига кириб келган катта фельдшер улардан бирига кўзини қисиб, варақани узатди:

— **Оббо, яна биров бюллетенга чиққими? — ҳисобчи шундай деб, катта фельдшерга кўз қисиб билан жавоб берди-да, — э, анови Моҳирахонми? Чакки бўпти-да! — деди.**

— Ҳа, ўша. Айтишларича, дарди анча оғир эмиш.

Ҳисобчи Илҳом Салимов меҳнатга лаёқатсизлик варақасини дафтарга қайт этди, у ер-бу ерига нима-ларнидир ёзиб тўлдириб, бошбухга узатди. Бош ҳисобчи Умарали Қурчиев варақани наридан-бери кўз югуртириб, унда кадрлар бўлими мудирининг имзоси билан муҳри ҳамда касаба уюшма ташкилоти бағномаси йўқлигини сезиб:

— Тўлик расмийлаштирмабсизларми, — деди.

— Жон ака, — ёлборишга тушди ҳисобчи билан катта фельдшер бараварига, — имзо билан бағнома эртагаёқ тўғрилайми. Ҳозирча Моҳирахонга пулни бериб юборайлик. Дори-дармон деган-

ларидек, жуда қийнаётган экан...

Раҳмид бош ҳисобчи бу гаплардан сўнг имзо чекади ва:

— Пулни тезроқ етказиб беринг, — дея тайинлайди. Катта фельдшер варақани олган, ҳазиначига учради. Ведомостга ҳам Моҳирахон номидан ўзи имзо чекиб, пулни санаб олди. Бир пасдан сўнг ҳисобчилар хонасига кириб, Илҳомжонга «чиқинг, ош пишиди» дегандай иш қилди. Дековлашиб пулни арра қилишди. Сўнг туя қўрдингми — йўқ дея, ўз қилмишларидан мамнун ҳолда тарқатишди.

Орадан бир ҳафта ўтгач катта фельдшер Иқбол Нуъмонов қўлида янги варақа билан яна марказий шифохона ҳисобхонасида пайд бўлади. Бу гал у бошқа ҳисобчи — Акмал

Насриддиновга кўз қисади. Ҳамшира ва фаррош Жамила Эргашеванинг «ишга яроқсиз»лик варақаси қўлма-қўл бошбухга етиб боради...

Хўш, бу сохтакорлар кимлар дерсиз. Улардан бири Андижон туман марказий шифохонасининг эндиликда собиқ ходими Умарали Қурчиев — шифохона бош ҳисобчиси. Унинг зиммасига бир неча юз киши хизмат қиладиган йирик муассасанинг молиявий ҳолатига жавобгарлик масъулияти юкланган. Айни пайтда ўз қўл остида ишловчи ҳисобчиларнинг фаолиятини назорат қилиб бориши, давлат мулкни талон-торож қилувчиларга мurosасиз бўлиш унинг зиммасида.

Илҳом Салимов, Акмал Насриддинов, Акмал Фозиев, Набижон Охунвалар турли соҳа ҳисобчилари. Иқбол Нуъмонов эса марказий шифохонага қарашли Храбек қишлоқ врачлик пунктининг катта фельдшери. Уларнинг ҳеч бирини амалдаги қонунлардан бехабар, деб бўлмай-

Урганч туманида фойдаланишга топширилган «Хоразм-Нуртоп» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида пахта толасидан жаҳон андозаларига жавоб берадиган йигирилган ип ишлаб чиқарила бошланди.

Бу ерда тайёрланаётган маҳсулот экспортга жўнатилади.

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

«Хоразм-Нуртоп» қўшма корхонасини яратиш бўйича инвестиция лойиҳасининг умумий қиймати 13 миллион АҚШ долларидан ортиқ. Таъсисчи-ҳамкорларнинг ҳисоб-китобларига кўра, қўшма корхона бир йилда камида 4 миллион доллар даромад қилади. Барча харажатлар тезда қопланади. Корхона қосида тикувчилик корхонасини ҳам ташкил этиш режалаштирилмоқда. Ҳозирдаёқ 150 нафардан ортиқ хоразмлик йигит ва қизлар иш билан таъминланди.

НОГИРОН БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

(Боши 1-бетда).

эмас, балки, авваламбор уларнинг ўзларига маблағ ишлаб топиш имконини беришга йўналтирилган.

Бизнинг ҳали режаларимиз кўп. Германиянинг «JDA» компанияси билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида гийҳвандликка қарши кураш бўйича семинарлар ва кечалар ўтказмоқдамиз. Бир неча йил илгари бошланасиз қолган болалар учун уй очган эдик. Энди эса умумтаълим ўрта мактабларида бепул нонушаларни ташкил этиш ниятидамыз. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун «Тетрапак» компанияси, Германия ва Америка элчихоналари билан ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз.

Айни пайтда хайрли ишлар доирасида Тошкент шаҳридаги 102 ва

106-сонли мактаб-интернатлар билан ҳамкорлик қилишмоқдамиз. Улар билан биргаликда «Глобаллаштириш» - бу ногирон болалар учун катта имконият» номли лойиҳамизни ишлаб чиқдик ва уни Берлин анжуманида тақдим этдик. Ушбу туркум анжуманлар «Еш авлод» деб номланади ва унда келажак кўфасини шакллантирадиган ёшлар танлаб олинади. Ушбу анжуманга дунёнинг турли мамлакатларидан 200 дан ошдиқ лойиҳа келиб тушди ва улардан 30 таси танлаб олинди. Улардан бору-йўғи 6 та лойиҳа финалга чиқди ва Берлин анжуманида уларнинг тақдими бўлиб ўтди. Биз ушбу нуфузли анжуманда биринчи ўринни эгаллаб, 5 минг евро миқдорда алоҳида грантга эга бўлдик ва ушбу маблағлар лойиҳамизни амал-

га ошириш учун йўналтирилади.

Рамазон Ҳайити байрами арафасида 106-сонли мактаб-интернатда бўлдиқ ва тарбияланувчиларга байрам муносабати билан кийим-кечалар, ширинликлар топширдик. Келгусида эса 102-сонли мактаб-интернат болалари учун маблағ етишмаслиги сабабли ишламаётган тикувчилик цехига камида 20 та тикув қурilmасини сотиб олишни режалаштиряпмиз. Бундан ташқари, «ҚАШТЕКС» акционерлик жамияти билан интернатга узлуксиз хомашё етказиб бериш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Шунингдек, «ҚАШТЕКС» болаларни ускунада ишлашга ўргатишни ва тайёр маҳсулотни сотишни ўз зиммасига олди.

Н.ҒУЛОМОВА,
ЎЗА мухбири

ГУЛ — КҮНГИЛ МУЛКИ

у қандай тақдим этилади?

Гуллар гўзаллик, меҳр-муҳаббат ва дўстлик рамзидир. Шунинг учун ҳам байрамларда, қувончли кунларда энг яхши совға сифатида гул берилди. Хўш, гулни кимга, қачон ва қандай тақдим этиш керак?

Одатда гуллар совғага қўшиб берилди. Бунинг учун дабдабали гулдаста шарт эмас, балки ҳар қимга ўзи ёқтирган гулни тақдим этиш ёқимли. Агар буни билмасангиз, эркакларга қизил, оқ чиннигул, аёлларга атиргул танланг.

Гулдастадаги гуллар сони катта аҳамиятга эга. Гулларнинг тоқ бўлишига эътибор беринг. Одатда 5 ёки 7 дона гулдан иборат гулдаста тақдим этилади.

Гулларнинг ранги ва турига ҳам эътибор қаратинг.

Оқ гул — кўнгили оқлиги ва софлигини билдиради.

Эркин қизил гул — самимий муносабат рамзи. Оқиз қизил гул — ҳолис ниятни англатади. Майсазор, дала ва ўрмон гуллари одми, си-

дан гулдаста олинган. Кексайиб қолганларга тувакда очилиб турган гул ёки манзарали ўсимлик тақдим этиш мумкин. Борди-ю, тузилган кун қаҳвахонада нишонланаётган бўлса, бундай совға ярамайди. Бунинг учун саватга солинган турфа гуллар танланади.

Унаштириш, фотиҳа қилиш кунда гуллар танланганга мос танланади. Гулдастадаги гуллар нафис, зебо ва бир хил рангда бўлиши керак.

Никоҳ тўйи учун гуллар тақдим этиш чегараланмаган.

8 март — хотин-қизлар байрамида баҳор гуллари билан бирга кичикроқ бўлса ҳам совға берган маъқул.

Янги йил гулдасталари ўз вазифасига кўра турлича бўлиши мумкин: деворча осиладиган гул, дастурхонга қўйилмаган ва тақдим этиладиган гуллар.

Янги йил байрамига меҳмонга бораётган бўлсангиз, ўша хонадонга мос гулдан тақдим этиш керак.

Нафосат

лар танлаб, гулдаста арча барглари билан безантирилади.

Беморларни кўргани борганда, нафис гулларни танланг. Чунки ёрқин рангли ва ўткир хид таратадиган гуллар беморлар асабига ёмон таъсир этиши мумкин.

Гулни тақдим этаётганда у чап қўлда ушлаб турилади, чунки ўнг қўл табриклаш учун бўш туриши керак. Гулни топшираётганда энг яхши сўзлар ва тиллақлар айтилади. Дастлаб гул, кейин совға берилди. Одатда хонадон соҳибини туғилган кун бўлса-да, гуллар уй бекасига берилди.

Гуллар инсонларни бир-бирига яқинлаштириб, дўстона муҳаббат ва самимий севгисига асос солиди. Келинлар, азизлар, байрамларда ҳеч бўлмаганда бир дона гул ва ширин сўзимиз билан яқин кишиларимиз кўнглини шод этайлик.

Донолар айтгандек, бир кўнгли зиёрати, минг Макка машаққатига тенгдир.

Шоира РАУПОВА тайёрлади.



ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ОЧИҚ ЧЕҲРА БИЛАН универсиадага ҳозирлик қизгин паллага кирди

Республика талаба-ёшларининг «Универсиада-2002» мусобақалари келгуси йил май ойида қадимий Бухорода ўтказилади. Шу муносабат билан бу муҳим воқеага катта ҳозирлик қилинмоқда. Айти пайтда шаҳарнинг тарихий ва маданий ёдгорликлари таъмирланмоқда, ўйингоҳлари тайёрлаш ишлари қизгин олиб борилмоқда, мусобақа иштирокчилари учун турар-жойлар ҳозирланмоқда.

Вилоят маркази, барча туманларда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари авждида. Янги замонавий спорт иншоотлари бунёд этилмоқда. Катта спорт тadbирининг тантанали очилиши ва асосий мусобақалар ўтказилиши режалаштирилган «Бухоро» ўйингоҳини қайта таъмирлаш учун 2 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бухоро Давлат университети, тиббиёт, озиқ-овқат ва энгил санъат технологиялари институтлари спорт иншоотлари, Когон шаҳри, Бухоро, Ромитан, Қорақўл, Шунингдек, мусобақаларда қатнашадиган вилоятнинг 3 та олий ўқув юртида спортнинг 14 тури бўйича танловни ҳолияга етаяпти. Сентябр, октябр ойларида миллий кураш, футбол, оғир ва энгил атлетика, волейбол, баскетбол, самбо, теннис, юнон-рум кураши бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Жамоаларни тайёрлаш учун тажрибали мурабийлар бириктирилган. Хуллас, бухороликлар спорт байрами меҳмонларини пухта ҳозирлик ва очик чеҳра билан кутишмоқда.

СПОРТ МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида «Универсиада-2002» спорт мусобақаларига тайёргарлик масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Анжуманда талаба ёшларнинг қизқарли мусобақаларини юксак савияда ўтказиш, бу галги спорт байрамига мезбонлик қилувчи Бухоро шаҳрини мамлакатимизнинг том маънодаги спорт марказларидан бирига айлантириш, мавжуд спорт мажмуаларини таъмирлаш ва янгиларини барпо этиш ишларини жаллалаштириш ҳақида гап борди. Айти вақтда олий ўқув юртида спортнинг 14 тури бўйича мусобақанинг дастлабки босқичлари ўтказилмоқда. (ЎЗА).

Вобкент туманлари марказларидаги ўйингоҳлар ҳам қайта таъмирланди.

Мақтабда ўқиб юрган кезларимиз ўстозлардан бири синфдош қизларга қарата келажакда яхши мутахассис, яхши уй бекаси бўламан десанглари тақинчоқларга эмас, балки илмга кўпроқ ўч бўлинглар, деганди. Кейин билсам, у киши бизни яхши йўлга бошлаш билан бирга ёмонликлардан ҳам қайтарган экан.

ТАҚИНЧОК ТАШВИШ КЕЛТИРДИ

Ҳа, бойликка ўқилинган оқибати қандай иллатлар келтириб чиқаришини ёшлиқдан англаганда эди, Юнусобод туманида яшовчи Нарғиза эҳтимол бу кўйларга тушмаган бўларди. Турмушдоши унга зирак совға қилмагач, танишларидан бири ўша матоҳни олиб берди. Аммо бу тақинчоқ унга шодлик эмас, бир олам қайғу келтирди. Эри уни калтаклаб ногирон қилиб қўйди. Албатта, фожеа бу билан тугагани йўқ. Гулдай оила дарз кетди.

Яна бир мисол. Яқинда Чилонзор туманида номаълум шахс Олмасор даҳаси 8/1 уйнинг лифтида 11 давзе 34-ўйда яшовчи А.Бибарсованинг 1 миллион 220 минг сўмлик тақинчоқларини олиб қочди. Албатта, ички ишлар ходимларининг зудлик билан кўрган чора-тадбирлари натижасида юлғич Т.Мақсудов эканлиги маълум бўлди. Бироқ миллион сўмликдан зиёд тилла зиракларни тақиб юришининг Бибарсовога қандай зарурати борлиги кишини ўйлантиради. Ёки айрим аёлларимизнинг қимматбаҳо тилла тақинчоқларни мезъридан ортиқча ва бемаврид тақиб, кўз-кўз қилишлари айрим жиноий ҳолатларнинг рўй беришига сабаб бўлаётганлигини наҳотки, улар англаб етмаётган бўлиши.

Айрим мактаб ўқувчиларининг қимматбаҳо зирақлар тақиб дарсага келаятгани ҳам юлғичларнинг қора ниятларини амалга оширишларига қўл келмоқда. Чунончи, Сирғали тумани 7-мавзедаги 42-уйнинг олдида 9-синф ўқувчиси Ф.Алимухамедова бўйнидаги тилла занжирли сабабли сал бўлмаса ногирон бўлиб қолиши мумкин эди. Яхшиямки, унинг бахтига ички ишлар ходимлари келиб қолишди.

Шухрат РҮЗИЕВ, ИИБ Матбуот маркази катта инспектори, милиция капитани.

УМРБОҚИЙ НАВОЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Мозий» халқ мақом ансамбли фаолият кўрсата бошлади

Академияда ёшларни миллий истиқлол, она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, миллий мусиқа санъатимизни асраб-авайлаш, асрлар оша эъзозлаб келинган маънавий қадриятларимизни ёшлар орасида кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Академияда ташкил этилган «Мозий» ўзбек халқ мақом ансамбли фаолиятини ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Унинг илк концерти академиянинг тингловчилари, санъатсевар ёшлар билан бир қаторда бу ерда ҳозир

бўлган дипломатик корпус, халқаро компания ва жамғармалар вакилларидан катта таассурот уйғотди. Айтиш жоизки, ансамблнинг таркиби санъат оламига эндигина кириб келаятган истеъдодли хонанда, созанда ва раққосалардан иборат. Уни ташкил этишдан кўзланган мақсад умрбоқий ва гўзал миллий мусиқа меросимизни нафақат юрти-мизда, балки хорижда ҳам кенг намойиш этишдан иборат. Ансамблнинг илк концертида «Сегоҳ», «Муножот», «Чўли Ироқ» сингари мумтоз куй-қўшиқлар янгради.

Алишер РИСКИБЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА «ЯНГИ ЙИЛ БАЗМИ»



Ўтиб бораётган кунларимиз бизни тобора янги 2002 йил сайин яқинлаштирмоқда. Барчамизни келаятган янги йилдан умидларимиз катта. Республика ойнаи жаҳони янги йил оқшомида сизу бизга олам-олам шодлик ва байрамона кайфият улаиши мақсадида ранг-баранг байрам дастурларини тайёрлашмоқда.

Суратга тушириш майдончасида иш қизгин. Халқимизнинг энг сара ҳофизлари, парималак раққосалари, эстрада юлдузлари, сўз усталари ва қизиқчилари ўша тун телемошабинлар учун ўзларининг бор маҳоратларини ишга соладилар. Бир сўз билан айтганда, «Янги йил базми» сизлар учун ажойиб ва сурурбахш онларни ҳаёда этиши шубҳасиз.

Суратда: «Лазги» ашула ва рақс ансамбли раққосаси Илғиза Зарипова.

(Боши ўтган сонда).

Феруза ноилоҳ қадаҳни олди. Гарчи талабалик йилларида, сўнг ишхонасида баъзан бўладиган байрамларда сал-пал ичиб турса-да, ҳозир кўнгли биров гашлангандай бўлди. Бегона, эркак киши, бунинг устига ёш йигит... Ким билсин, кўнглида нима бор. Тўғри, у раҳматли эрига жудаям ўхшаркан, ҳатто овози ва қилиқлариям, худонинг қудрати-да бу ҳам!

Дарвоқе, бугун иккинчи бор эслаяпти. Нима бўлди ўзи? Ҳаммасига мана бу хушрўй йигит сабаб... Кўзларининг самимий, меҳрибонлик билан боқишини қаранг! — Қани, олдик. Сиз учун, Феруза... — йигит бир кўтаришда қадаҳни бўшатди, сўнг товуқ гўштидан жиндай олиб, газақ қилган бўлди. Феруза кўрқа-писа бир қўлтум ичди. Рост, анови ароқ ўлгурдай ачиқ эмас экан. «Эй-й, нима бўлса бўлар!» дея хаёлидан ўтказди ва охиригача сипқорди. — Ох-х!-У жонхонларда озгини ушлади. — Й-я, шунга шунчаликми...? Ачиқ эмас-ку.

Мана, «кола» ичинг. — Раҳмат... Олинг, оч қолгандирсиз. — Оляпман, — йигит шундай деб росткачига овқатланишга киришди. Кейинги қадаҳлар унча қийналмай томоқдан ўтди, аёлнинг кайфияти кўтарилди. Дастурхон йиғиштирилгач, йигит яна газетани қўлига олди. Аммо, ора-сира ер остидан аёлга қараб, беихтиёр пастиқлабини тишлаб қўярди.

Фирт уйдирма! — Ким билади, балки ростдир... — Қўйсангиз-чи, Латифжон, кўрғини турибди-ку ёлғонлай! Рост бўлса, нега шу пайтгача ушлашмабди ўша учарни?! — Осон деб ўйлайсизми? — йигит жилмайди. — Қаранг, унга кўпроқ олтинранг сочили аёллар ёқар экан, чунки ўлдирилган еттига аёлдан олтинсоч эмиш!

АЖАЛ ШАРОБИ

(Ҳикоя) Кўлгили... — Сиз қорасоч бўлсангизам жуда гўзалсиз. Йигит унинг ёнига ўтиб ўтирди. Аёл вужудидан сеҳрли бир ҳарорат тараларди. У бетўхтов жилмайар, юрагида вулкондай портлаб бораётган ҳиссиётларни сиртига чиқармасликка уринар, аммо бўшашиб, кўзлари юмилиб борарди. — Латифжон, қўйинг... эшик...

— Ёпиб қўйдим. Биз ёлғизимиз. Бунча гўзалсиз, Феруза...! — Йўқ, сиз... Сиз чиройлисиз... Худди Собир акамдай... Аёл бошини ёстиққа ташлади... — Сиз ётаверинг, мен бир чекиб олай, — йигит шундай деб аста ўрнидан турди.

Сумкасини пайпаслади, чирс этиб гугурт ёқди, купени тамаки ҳиди тутди. Аёл ширин керишди. — Ишқилиб, ўша қотил уста экан... — Қўйинг энди ўшани! — Халигача қўлга тушмаганини айтман-да... — Қўлга тушмайдиам. — Қандай...? — Айтдим-қўйдим-да, — йигит яна сумкасини қовлай бошлади. — Унга олтинсоч аёллар кўпроқ ёқаркан... — деди Феруза хаёлидан жилмайиб. — Журналист адашган. — Нега энди? — ҳайрон бўлди аёл. — Чунки унга қорасоч аёллар ҳам ёқди. Дераздан тушган ой ёруғида ханжар совуқ ялтираб кетди... **Абдунаби ҲАМРО.**

«YANGI YIL SHOW-SHOW»

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ

Тошкенбой Эгамбергев номли Тошкент Давлат циркида

2001 йил 28 декабр — 2002 йил 13 январ кунлари

«ТЕЛЕПУЗИКЛАРНИНГ ЯНГИ ЙИЛ САРГУЗАШЛАРИ»

Томошлар соат 10, 12, 14, 16, 18.00да бошланади. Жамғаб бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. Касса ҳар кун соат 9.00 дан 19.00 гача ишлайди.

Маълумот олиш учун телефонлар: 144-35-51, 144-25-04, 144-32-23.

БАРЧАНГИЗНИ ЦИРКДА КУТАМИЗ!

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари **Зайниддин РИХСИЕВ**

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғиёс Қаюмов (бош муҳаррир), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиков.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли тугвоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.